

МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: УЛАР ҚАНДАЙ ТАЛҚИН ҚИЛИНИШИ КЕРАК? – 2

Т.МАЛИКОВ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

“Молия ва молиявий технологиялар” кафедраси профессори,

“Молия” илмий мактаби раҳбари,

иқтисод фанлари доктори, профессор

Ушбу муаммога бағишланган 1-мақоламизни “Молиявий технологиялар. Нима улар?” тарзида ифодаланган сарлавҳага нисбатан қарашларимиз, ҳозирча, ана шу юқоридагилардан иборат. Бироқ, улар дастлабки қараш бўлиб, юқоридаги сарлавҳани батафсилроқ ёритиш учун етарли деб ҳисобланиши мумкин эмас. Сарлавҳанинг бу шакл ва мазмунда қўйилиши, шунингдек, уларнинг тур, шакл ёки кўринишлари тўғрисида ҳам аниқ тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Булар эса, ўз навбатида, ушбу мавзуга бағишланган навбатдаги мақоламиз предмети ҳисобланади”,- деган мазмун билан ниҳоя (якун)лаган эдик. Шу боис, “Молиявий технологиялар. Нима улар?” масаласига янада аниқлик киритиш мақсадида энди ушбу мақоламиз доирасида молиявий технологияларнинг аниқ тур, шакл ёки кўринишлари тўғрисида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув молиявий технологиялар тўғрисида оддий тарзда яхлит ёки умумий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Дастлаб шуни таъкидлаш жоизки, биз бу ўринда “молиявий технологияларнинг тур, шакл ёки кўринишлари” иборасини ишлатаётиб, уларнинг бир-биридан тубдан фарқ қилувчи уч жиҳатини назарда тутаётганимиз йўқ. Бу сўзларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари кўп бўлса-да, уларнинг моҳиятан бир-биридан фарқланувчи (айниқса, ишлатилиш ўрнига қараб) томонлари ҳам мавжуд, албатта. Лекин биз бу ўринда уларнинг ўртасида бир-бирларидан фарқланишини ажратиб (кўрсатиб) турувчи Буюк Хитой девори йўқ деб ҳисоблаймиз ва ушбу мақоламиз доирасида уларни

ягона моҳиятни ифодалаш ва бир-бирини тўлдиришга хизмат қилувчи ягона тушунчалар сифатида қабул қиламиз.

Шунингдек, молиявий технологияларнинг тур, шакл ёки кўринишлари ҳақида фикр юритишда, энг аввало, нималарга эътибор бериш ёки нималардан келиб чиқишни ҳам аниқлаб олиш керак. Зеро, молиявий технологияларга таъриф берганимиздан сўнг энди бу масалада, бўлар-бўлмасга, эрк бериш ёки эркин талқин қилишнинг иложи йўқ. Маълумки, олдинги мақоламиз доирасида биз молиявий технологияларга “Молиявий муносабатларни ташкил этиш ёки амалга оширишда қўлланиладиган усул (метод)лар мажмуи молиявий технологиялар дейилади”,- дея таъриф берган эдик. Бундан молиявий технологияларнинг тур, шакл ёки кўринишларига доир принципиал аҳамиятга эга бўлган бир неча муҳим хулосаларни чиқаришимиз мумкин. Бизнингча, уларнинг энг муҳим иккитаси куйидагилардан иборат;

1. Молиявий технологияларнинг тур, шакл ёки кўринишлари, аввало, молиявий муносабатлар(га боғлиқ) билан белгиланади ҳамда улар ана шулар доирасида ташкил ёки амал қилиниши мумкин;

2. Молиявий муносабатларни ташкил этиш ёки амалга оширишда қўлланиладиган усул (метод)лар мажмуи молиявий технологияларнинг тур, шакл ёки кўринишларини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шундай бўлишига қарамасдан, молиявий технологияларнинг тур, шакл ёки кўринишларини белгилаб беришда ҳал қилувчи ролни, барибир, молиявий муносабатлар ўйнаши кераклигини алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим. Шунга мос равишда, молиявий муносабатларнинг ҳар бир кўриниши маълум бир молиявий технологиялар орқали амалга оширилади, дейишимиз мумкин. Ўз навбатида, молиявий муносабатларни, шартли равишда бўлса ҳам, бир неча аниқ гуруҳларга ажратиш мумкинки, уларнинг ҳар бирига ўзига мос бўлган молиявий технологиялар тўғри (мос) келади.

Гарчи бир неча мезонлар асосида гуруҳларга ажратиш имконияти мавжуд бўлса-да, замонавий (амалий) молияда молиявий муносабатлар аниқ бир жараёнларнинг содир этилиши натижасида вужудга келиши инобатга олинандиган бўлса, у ҳолда қуйидаги жараёнлар билан боғлиқ бўлган муносабатларни кўрсатиш мумкин:

1. Молиялаштириш;
2. Пул муомаласини ташкил қилиш;
3. Солиқлар ва солиққа тортиш;
4. Кредитлаштириш;
5. Суғурталаштириш;
6. Инвестициялаштириш;
7. Бож ундириш;
8. Баҳоларни шакллантириш;
9. Молиявий маблағларни (четдан) жалб қилиш (фонд ёки қимматли қоғозлар бозори орқали);
10. Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
11. Валюта операцияларини содир этиш;
12. Халқаро молия;
13. Ва бошқалар.

Молиявий муносабатлар, анъанавий тарздаги ёндашувдан фарқли ўлароқ, ўзгача ва амалий тарзда ёндашилиб (аввало, ҳаёт ёки амалиётдан келиб чиққан ҳолда) ана шундай (юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда) аниқ бир кўринишларда ифодаланса, бизнингча, уларга мос келувчи қандай молиявий технологиялар мавжудлигини аниқлаш унчалик мураккаб бўлмайди. Масалан, молиялаштириш билан боғлиқ бўлган молиявий технологияларнинг аниқ бир тур, шакл ёки кўришлари сифатида смета, бюджетлаштириш, дотация, субсидия, субвенция, трансферт, исломий молиялаштириш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Пул муомаласини ташкил қилишда эса эмиссия, муомала учун зарур бўлган пулнинг миқдори, пул агрегатлари, пулнинг даврий қиймати ёки инфляцион таргетлаштиришни молиявий технологияларнинг аниқ бир шакли сифатида эътироф этилиши изоҳга муҳтож эмас.

Солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларида солиқ ставкаси ва унинг турли-туман шаклларда (прогрессив, регрессив, адвалор, пропорционал, мураккаб, кўп шкалалли ва б.) қўлланиши, солиққа тортиш объекти, солиқ базаси, солиқ имтиёзлари, солиқларни тўлаш (ундириш) муддатлари, солиқларни ундириш тартиблари ва улар ҳар бирининг аниқланишида қўлланиладиган усул (метод)ларни молиявий технологияларнинг тури сифатида қабул қилса бўлади.

Кредитлаштиришдаги молиявий муносабатлар, масалан, кредит шартномаси, фоиз ставкаси, кредитлаштириш принциплари, кредит турлари (қисқа ва узок муддатли, револьвер, синдициялаштирилган, овердрафт ва б.), кредитни олиш ва қайтариш тартиби ва ҳ.к.лар билан белгиланадики, уларнинг ҳар бирига молиявий технологияларнинг у ёки бу кўриниши хизмат қилади.

Суғурталаштириш жараёнларида ҳам молиявий муносабатларнинг маълум бир ўзига хос гуруҳи содир бўлади. Улар, мисол учун, суғурта полиси ёки суғурта шартномаси, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси, андеррайтинг хизматлари, суғурта сюрвер, актуарий, ажастер, ассистанслари ва ш.к.лар орқали содир бўлади ва уларнинг ҳар бирига маълум бир молиявий технологиялар тўғри келади.

Инвестициялаштириш жараёнларини ҳам молиявий муносабатларнинг ўзига хос бўлган маълум бир кўринишлари орқали содир бўлишидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Инвестицион мақсадлар учун фойдаланиши мумкин бўлган молиявий ресурсларнинг вужудга келиш манбаларини (хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз, Давлат бюджети ёки маҳаллий бюджетлар, тижорат банклари, халқаро молиявий муассасалар ва

ҳ.к.ларнинг маблағлари) аниқлаш, уларни диверсификациялаштирилган ҳолда самарали сарфлаш, қўлга киритилган иқтисодий (молиявий) самарани аниқлаш ҳам маълум бир молиявий технологияларни қўллаш орқали содир этилади.

Бож ундиришда молиявий муносабатларнинг ўзига хос турлари вужудга келади. Улар, асосан, импорт ва экспорт операцияларини амалга ошириш (масалан, протекцион ёки демпинг сиёсатини қўллаш), мамлакатга олиб кириладиган ёки мамлакатдан олиб чиқиладиган товарларга декларация тақдим этиш, шунингдек, кўрсатилган давлат хизматларининг ҳақини у ёки бу кўринишда ундириш (тўлаш) билан боғлиқ ва улар ҳам шуларга мос келувчи маълум бир молиявий технологияларни қўллаш орқали содир бўлади.

Бозор иқтисоди шароитида субъектлар ўртасида ўзаро муносабатлар, асосан, шартномавий баҳоларда амалга оширилса-да, бу баҳоларнинг турлитуман кўринишларидан фойдаланишни инкор этмайди. Аксинча, баҳо ўзининг ўлчов(чилик), ҳисоб-назорат, тақсимлаш, тартибга солиш, ижтимоий ва стимуллаштирувчи функцияларини самарали бажариши учун амалиётда унинг хилма-хил турларидан (улгуржи, чакана, сотиб олиш, смета қиймати, тарифлар, қатъий, жорий, ўзгарувчан, алмаштирилувчи, доимий, мавсумий, босқичли, маълумотномавий, преysкурant, ҳисоб-китобли, аукцион, биржа, савдолар, ягона, минтақавий, маҳаллий, бозор, қатъий ўрнатилган, тартибга солинадиган, камёб, паритет, нетто, брутто, жаҳон ва б.) фойдаланиш тақозо этилади.

Ҳаётда ҳар қандай фаолиятни (бу ерда унинг тижорий ёки нотижорий эканлиги принципиал аҳамиятга эга эмас) амалга ошириш учун, жумладан, молиявий маблағлар ҳам зарур бўлади. Унда ўз маблағлари билан бир қаторда қарзий маблағлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Қарзий молиявий маблағлар эса, жумладан, фонд ёки қимматли қоғозлар бозори орқали ҳам

жалб қилинади ва бу жараёнда турли-туман молиявий инструментлардан фойдаланилади.

Ўзаро молиявий муносабатларни амалга оширишга киришган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги молиявий (пул) маблағларининг ҳаракатланиши ёки пул оқимлари ўз-ўзидан содир бўлмасдан, балки бу жараён ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш (қўллаш) орқали кузатилади. Унда ўзаро ҳисоб-китобларнинг турли шаклларида (электрон пуллар ёки электрон пул ўтказиш, пластик карталар, ҳисоб-китобларнинг акцепт, аккредитив, тўлов талабномалари, тўлов топшириқномалари, чеклар, векселлар, форвард битимлари, фьючерс шартномалари, опционлар ва б.) фойдаланилади ва уларга молиявий технологияларнинг маълум бир турлари мос келади.

Глобаллашув ва интеграцион жараёнлар ўзининг юқорига босқичи томон жадал ривожланиб бораётган бир пайтда уларни, жумладан, валюта операцияларини содир этишдан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, бу жараёнда молиявий муносабатлар алоҳида олинган давлатлар чегарасидан четга чиқиб, халқаро кўринишни олмоқда. Валюта курслари ва уларни аниқлаш тартиблари (масалан, спот курс ёки спот курс, эркин сузувчан ёки қатъий курс ва ҳ.к.), валюталарнинг конвертацияланиши, валюта бозори, халқаро молия бозорлари, тўлов ва савдо баланслари, халқаро солиққ тортиш, халқаро ҳисоб-китоблар, жаҳон валюта тизими, биткоин ёки криптовалюталар ва шу кабиларнинг амал қилиши ҳам шунга мос бўлган молиявий технологиялар орқали содир этилади.

Шундай қилиб, юқорида қисқача ва энг содда кўринишда келтирилган ҳоллардан кўриниб турибдики, ушбу тарзда ифодаланган молиявий технологиянинг аниқ бир тур, шакл ёки кўринишлари улар тўғрисида яхлит бир умумий дунёқарашни шакллантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин. Шунингдек, улар “Молиявий технологиялар. Нима улар?” тарзда қўйилган содда ва оддий саволнинг, аслида, мураккаб савол эканлиги



ва шунга мос равишда унинг жавоби ҳам мураккаб эканлигини яна бир марта кўрсатади.